

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

290 Халқаро сифат стандартларига ва фойдаланиш хавфсизлигига жавоб берадиган спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республиканинг спорт ва таълим муассасаларини сифатли спорт асбоб-ускуналари билан таъминлаш, халқаро сифат стандартларига ва фойдаланиш хавфсизлигига жавоб берадиган замонавий спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

24 (732)-сон

— 41 —

290-291-моддалар

3. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга кирилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 14 июнь,
202-сон